O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 2 август, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 60 (7255)

Da'vat

Адолатнинг икки бош манбаи мавжуд: биринчидан, ҳеч бир кимсага зиён етказмаслик керак ва иккинчидан, жамиятга наф келтириш зарур.

ЦИЦЕРОН

Ibrat

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги "Янгиобод" маҳалласи фуқаролари ташаббуси билан маҳаллада қироатхона ташкил этилди. Унга биринчилардан бўлиб Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳаким Назир, Манзура Валиева, маҳалла оқсоқоли Аброр Ашраповлар ўз шахсий кутубхоналаридан кўплаб китоблар ҳадя этдилар.

ХАЛҚИМИЗ КЎКСИДА ПОРЛАГАН УМИД ЮЛДУЗЛАРИ

"УМИД" ЖАМҒАРМАСИ ГРАНТЛАРИ СОҲИБЛАРИГА



Азиз фарзандларим!

Сизларни танлов жараёнларида чуқур билим ва қобилиятингиз, мустаҳкам иродангизни намоён этиб, дунёнинг энг нуфузли илм даргоҳларида таҳсил олиш ҳуқуқини қўлга киритганингиз билан чин дилдан муборакбод этаман.

Илғор мамлакатларнинг тараққиёт борасидаги тажрибаларини пухта ўрганган, катта қунт ва сабот билан билим эгаллаган инсоннинг ҳаёти нурафшон ва мазмунли бўлади, ўз эли ва юртига албатта нафи тегади.

Ишончим комилки, сизлар ривожланган мамлакатларнинг етакчи университетларида таълим олиш билан бирга, Фарғоний, Хоразмий, Беруний, Улуғбек каби бутун дунё эътироф этган улуғ зотларнинг муносиб ворислари эканингизни, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган бу муборак замин фарзандлари ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганини ўзингизнинг юксак ақл-заковатингиз, илму салоҳиятингиз ва бой маънавиятингиз билан яна бир карра исбот этасиз.

Шу маънода, сиз буюк келажагимиз пойдеворини янада мустаҳкамлашни ҳаётининг маъно-мазмуни деб билган зукко ўғил-қизларимизни халқимиз кўксида порлаган умид юлдузлари, десам асло муболаға бўлмайди.

Шубҳа йўқки, ўқишни тугатиб, Ватанимизга қайтгач, олган билим ва тажрибаларингизни мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши, заҳматкаш халқимиз ҳаётини фаровон қилиш йўлида сафарбар этасиз, эл-юртга садоқатингиз, фидоийлигингиз билан барча тенгдошларингизга ибрат ва ўрнак бўласиз.

Азиз ўғил-қизларим!

Ҳар биримиз учун энг улуғ, энг азиз бўлган Мустақиллик байрами арафасида олис сафарга отланаётганингиз чуқур рамзий маънога эга, деб ўйлайман. Ана шу хайрли сафар олдидан барчангизни яна бир бор бағримга босиб, оқ йўл тилайман. Оллоҳ таоло сизларни ўз паноҳида асрасин, эзгу интилишларингиз амалга ошишида буюк боболаримизнинг ўлмас руҳи доимо мададкор бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси эзгу ният, асосли умидлар билан фаолият кўрсатмоқда. Уч мингдан ошиқ талабгор иштирок этган бу йилги танлов ҳам юксак савияда ўтиб, илғор давлатларда таълим олишга лойиқ 124 нафар толиби илм саралаб олинди. 29 июль куни Банкларарo молиявий хизматлар марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти совриндорларини муборакбод этишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Анжуманни жамғарма раиси, молия вазири Рустам Азимов бошлаб берди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграгач, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Умид" жамғармаси совриндорларига табригини ўқиб эшиттирди. Хорижга ўқишга йўл олаётган талабалар номидан Нормурод Ҳаққулов ўз туйғулари билан ўртоқлашган бўлса, олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов, Германиянинг Ўзбекистондаги элчиси Райнхард Биндзайл, Франция элчиси Жан Клод Ришар илмталаб ёшларга эзгу тилакларини билдирдилар. Яккабоғлик мактаб ўқитувчиси Сайёра Мусаева ўғли Маъруфжоннинг Президент гранти совриндори бўлганини айтиб, барча ота-оналар номидан ёшларга оқ йўл тилаб, яратганга, истиқлол ва Президентга шукрона айтди. Динмуҳаммад Қўзибоев грант совриндорларининг Президент Ислом Каримовга миннатдорчилик мактубини ўқиб эшиттиргач, Бош вазир ўринбосари Дилбар Ғуломова талабаларга гувоҳнома ҳамда Президентнинг шахсий совғаси — соатларни топширди. Жаноб Жан Клод Ришарнинг ўзбек тилида изҳор этилган тилаги ва "Гулла, яшна, мустақил Ўзбекистон!" деган хитоби барчанинг олқишига сазовор бўлди.

Шундан сўнг ушбу маросим қатнашчилари учун Кумуш Раззоқова, Козим Қаюмов, Обид Асомов, Илҳом Фармонов, Абдулазиз Карим каби санъаткорлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди. Концерт бошлангунча баъзи ота-оналар ва талабаларни гурунгга тортдик.

(Давоми 2-бетда)

ЗАКОВАТ ВА АДОЛАТ СИНОВИ

Репортаж

31 июль, душанба. Тест марказида иш қизғин. Турли олий ўқув юртларининг вакиллари навбат кутиб туришибди. Аудитория кузатувчилари учун рухсатномалар шу ердан берилади. Муҳрланган, ҳеч қайси абитуриентга олдиндан маълум бўлмаган саволлар жамланмаси ҳам шу ерда сақланади. Қорақалпоғистон, Нукус, Бухоро, Навоий вилоятларидаги олий ўқув юртларига тест саволлари самолётнинг ўша кунги рейсларидаёқ жўнатилди.

1 август. Минглаб абитуриентлар орзиқиб кутган кун. Томоғидан нон, чой ўтмаган, тунни бедор ўтказган, титул варақаси билан ўз манзилига шошилган абитуриентларнинг юрагидан шундай нидо отилиб чиққандек туюлади: "Мен талаба бўлишим керак!"

Мухбирларимиз Давлат Тест маркази рухсатномаси билан пойтахтдаги турли олий ўқув юртларида бўлишиб; тест ҳаяжонларининг турлича ҳолатларини кузатишди, баҳоли-қудрат уни оққа туширишди.

МАДАДКОРЛАР

Тошкент архитектура-қурилиш институтидаги ғалағовур тинчиди. Ҳар қайси абитуриент ўз йўналиши ва гуруҳига кўра белгиланган аудиторияларга кириб жойлашдилар. Улар 1338 нафар. Шундан 2 нафари республика миқёсидаги олимпиада ғолиблари экан.

34 та аудиторияга кузатувчи сифатида қўйилган 73 нафар холис вакиллар ҳам ишга шўнғишди. Саволлар билан танишув. Хотирани жамлашга уриниш ва тўғри жавобларни дам иккиланиб, дам дадиллик билан белгилаш.

Гапнинг қисқаси, 1338 ҳолат ва яна шунча ҳолатнинг ичидаги минг хил ҳаракат.

Хўш, ташқарида — институт ҳовлисида қандай муҳит ҳукмрон? Ота-она, опа-сингил, ака-ука, тоға-жиян, умуман, қўллаб-қувватлаш учун келганлар кутиш азобига маҳкум этилганлар. Уларни бу азобга ҳеч ким мажбурлаган эмас, кўнгилларининг буюрғани.

70 ёшдаги онахонни учратиб, ҳайрон қолдик. Ёз чилласида салқингина сўрида мазза қилиб дам олса бўлмасмикан?

—Неварам Гулмира учун Тўйтепадан келдим, қизим! Данагидан мағзи ширин бўлар экан. Гўёки мен шу ерда турсам, неварам ўқишга кирадигандек...

Буви-буважонлар дуоси — энг катта мадад.

Холмурод Худойқулов, Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидан:

—Тонг саҳарда йўлга чиқиб, Тошкентга етиб келдим. Қизим Гулираъно архитектура факультетига ҳужжат топширган эди. Эшитишимча, у ижодий имтиҳонда ҳам яхши натижаларни қўлга киритибди. Тест синовларидан ҳам эсон-омон ўтса керак.

Отанинг умидидан-да ширинроқ тилак фарзанд учун бўлмаса керак.

Холбека Жўраева, Муборак шаҳридан:

—Кечаси билан деярли мижжа қоқмай чиқдим. Онани яратмасин экан! Ўғлим Аброрни репетитор ёллаб, ўқишга тайёрладик. Уринишлари чакки эмас-ку, қайдам... Мабодо контрактга "тушадиган" бўлса ҳам ўқитиш ниятидамиз.

Билдикки, ота-оналар ислоҳотларни англаб етишмоқда.

Суҳбатдошларимиз Ҳимоят Турғунова, Матлуба Баҳром қизи ва суҳбатдош бўлмаганларимизни ҳам бу ерга битта ният бошлаб келганлиги аниқ. Ота-она фарзанд камоли учун ўзини жавобгар деб билади. Камолотга эса пиллапоялар орқали чиқилади. Илм эгалламоқ ана шу пиллапоянинг энг муҳим босқичидир.

Биз истардикки, ўзига ишонган, билими ва иқтидорини Ватан манфаатларига уйғунлаштира оладиган абитуриентларга талабалик бахти насиб айласин.

ТАШКИЛОТЧИЛАР

Тошкент Давлат тўқимачилик ва енгил саноат институтига етиб келганимизда, соат 7.15 эди. Институт атрофи абитуриентлар, уларнинг ота-оналарию яқин қариндошлари билан гавжум. Ҳаммалари ўзгача бир кайфиятда. Абитуриентларни аудиторияларга таклиф этишдан олдин институт ректори, профессор Ҳ.Алимовадан бу йилги қабул ҳақида икки оғиз сўз олиш имкони пайдо бўлди:

—Бу йил институтимизга талабгорлар бултургига нисбатан анча кўп. Демак, танлов кучли бўлади, — деди ректор. — Энг иқтидорли, билимли абитуриентлар талабалик бахтига мушарраф бўладилар, деб ўйлайман. Тўқимачилик ва енгил саноат республикамиз иқтисодиётида устивор йўналишлардан ҳисобланади. Маълумки, илгари бир нечта вилоятлардагина тўқимачилик ва енгил саноат ривожланган бўлса, ҳозир нафақат вилоятларда, балки туманларда ҳам кичик тўқимачилик корхоналари қурилмоқда. Айни пайтда толани қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириб, ички ва ташқи бозорларимизни эгаллаш учун ушбу корхоналарни ишга туширадиган мутахассислар керак. Буни ёшларимиз жуда яхши тушуниб етишаяпти. Шунинг учун ҳам бизда тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари технологиялари йўналишларига ҳужжатлар кўп топширилган.

...Соат саккиздан бошлаб, абитуриентлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, аудиторияларга кира бошлашди. Бу жараёнининг диққатга сазовор томони шу бўлдики, тест синовларини барча аудиторияларда бир вақтда бошлаш мақсадида институтда учта кириш йўли ташкил этилибди. Аудитория раҳбарлари ва назоратчилар абитуриентларни ўз жойларига жойлаштириб бўлгандан сўнг, яна бир мартадан тест синовлари қоидаларини тушунтирдилар. Биз кирган аудиторияда абитуриентлардан икки нафари ДТМдан келтирилган муҳрланган қутини очишди. Ундаги тест саволлари ва жавоблар варағи ҳаммага тарқатилди.

—Ҳаяжонли дақиқалар бошланди, лекин ҳеч бир ҳаяжонга ўрин йўқ, — деди назоратчи сифатида тест синовларига қатнашаётган Яккасарой тумани 25-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Шоира Ҳидоятова. —Бемалол, ўзингизни яхши тутиб, шошмасдан ишга киришинглар.

— Мен Жиззах вилоятидан Давлат Тест марказига вакил бўлиб келганман, — деди туман ХТБ ходими Пардабой Бекмуродов. — Бизнинг вазифамиз абитуриентларга ташкилий масалалар бўйича зарур кўрсатмалар бериш, муҳими ушбу жараённинг кўнгилдагидек ўтишида фаол иштирок этиш.

...Соат 9.00 да тест синовлари бошланди. Аудиторияларни айланар эканмиз, бу ердаги ҳаяжонли дамларнинг гувоҳи бўлдик. Барча аудитория раҳбарлари ва назоратчилар ўз жойларида.

Институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори Ҳамидулла Турсунов бизга бу йилги қабул жараёнида ташкилий ишлар бўйича умумий маълумотлар берди:

— Бизда қабул жараёнига боғлиқ ишлар йил давомида узлуксиз давом этади, десак ҳам бўлади. Тарғибот-ташвиқот ишлари эрта баҳордан бошланади. Қабул ҳайъати фаолияти учун зарур ҳужжатлар босмахонамизда тайёрлаб қўйилади. 20 июндан эса қабул ҳайъати аъзоларининг ҳар бири зарур ҳужжатлар, ёзув-чизув жиҳозлари билан таъминланади. Мана бугун, кўриниб турибдики, ташкилий ишларимизнинг барчаси ўз ҳосилини кўрсатаяпти. Тест жараёни ўз вақтида бошланди ва ота-оналар ҳам бунга гувоҳ бўлиб туришибди. Улар томонидан ҳеч қандай норозиликлар билдирилмади. Ўйлайманки, бугунги тест синовлари адолатли ўтади ва ўз истиқболининг ёрқин эканлигини исботлайди.

(Давоми 2-бетда)

ИСТИҚЛОЛИМ – ИҚБОЛИМ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Қадрли Ислом Абдуғаниевич! Истиқлол йилларида Сизнинг раҳбарлигингизда халқимизнинг асрий армонларини рўёбга чиқарувчи, келажагимизнинг буюклигини таъминловчи бекиёс ишлар амалга оширилди. Бугун она Ватанимиз довруғи бутун дунё бўйлаб таралмоқда.

Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватловчи "Умид" жамғармаси ёш авлодга ишонч ва меҳр-муҳаббат ифодаси бўлиб қолмай, уларнинг юксак парвоз қилишлари учун яратилган имкониятлардан биридир.

Бу ғамхўрлик замирида биз, ёшларнинг келажагига катта ишонч билан қараш, фарзандларимиз ҳеч кимдан кам бўлмасин, деган эзгу ният мужассам.

Юртимизнинг тинчлиги, осмонимизнинг мусаффолиги, ёшларнинг соғлом, баркамол авлод бўлиб вояга етишишини кўзлаб яратилган шарт-шароитлар учун Сизга таъзим қиламиз. Сизни донишманд йўлбошчимиз, биринчи мураббийимиз, тоғдек таянчимиз деб биламиз.

Бундай юксак ишончни ўзимизнинг аъло баҳоларда ўқишимиз билан оқлаймиз.

Биз бугун дунёнинг энг нуфузли университетларида билим олиш учун отланар эканмиз, шунга аминмизки, халқимизнинг меҳрини, она Ватанимизнинг бетакрор жозибасини, мард ва донишманд Президентимиз азиз сиймосини доимо қалбимизда сақлаймиз, буюк тарих ва маданият юртининг фарзанди эканлигимизни ҳеч қачон унутмаймиз.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг юзлаб ўғил-қизлари хориждаги энг нуфузли олий ўқув юртларида билим олишмоқда. Сиз уларнинг салоҳиятига умид билан қараб, масъулиятли вазифаларни ишониб топшириш ҳақида айтган қатъиятли фикрлар ҳамиша бизга қанот бўлади.

Муҳтарам Юртбошимиз!

Сиз таъкидлаб айтганингиздек, Ватан равнақи ва бахт-саодати йўлида ёниб яшаш инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Биз, Сиз юрақдан орзу қилган, Ватан меҳрини ҳамма нарсадан юксак тутадиган, унинг шан-шавкатини улуғлайдиган, обрў-эътиборини бутун дунёга ёйдиган етук инсонлар бўлиб вояга етишга астойдил ҳаракат қиламиз. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, келажаги буюк давлат яратиш йўлида Сиз амалга ошираётган қутлуғ ишларга биз ҳам ўзимизнинг муносиб ҳиссасизни қўшамиз, деб сизни ишонтирамиз.

Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлик тилаб, фарзандларингиз —

2000-2001 ўқув йили якунлари бўйича "Умид" жамғармаси грантларининг соҳиблари.

JUMLADA JAHON

• **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг "Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясини 2000 йил 30 август куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида"ги қарори матбуотда эълон қилинди.**

• **Хоразм вилояти ҳокимлигида Соғлом авлод йилига бағишлаб "Ногирон болаларни муҳофаза қилишни кучайтириш, уларни жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлишлари учун шароит яратиш" мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.**

• **"Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмасида Германиянинг "Лаурчи" фирмаси билан ҳамкорликда каустик сода ишлаб чиқарадиган завод қурилиши бошланди.**

• **Фарғонада Саудия Арабистони билан Ўзбекистон ўртасидаги биринчи қўшма корхона иш бошлади — Фарғона консерва заводи Саудия Арабистони тадбиркорлари ҳамкорлигида қайта таъмирланди ва "МС ФУД Прогрессинг КО" Ўзбекистон — Саудия Арабистони қўшма корхонаси деб ном олди.**

• **Франция ҳукумати тўртинчи атом сувости кемасини қуришга қарор қилди, у 2008 йилда Франция ҳарбий-денгиз кучларига топширилади.**

• **Хитой парламенти доимий қўмитаси раисининг порахўрликда айбланган собиқ ўринбосари Чэн Кэцзе олий жазога ҳукм этилди.**

• **Ашхободда Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ва БМТ бош котибининг махсус вакили Франсиск Вандрелл Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисида музокара ўтказди.**

• **Тожикистон — Афғонистон чегарасида хизмат қилаётган россиялик чегарачилар ўттиз килограммдан ортиқ героинни қўлга олди.**

«Катта ўғлимиз Азизжон АҚШнинг Флорида штатидаги Таллахасе университети магистратурасини шу йил тугатиб келди. Энди укаси Лазизжон ҳам Техника университетини тамомлаб, Канадага йўл олмоқда».

Буюк алломаларимиз томонидан педагогик амалиётга киритилган барча таълим принциплари хориж таълим технологиясининг негизини ташкил қилганлигига бугун ҳеч ким эътироз билдира олмайди.

Ma'rifat

ХАЛҚИМИЗ КЎКСИДА ПОРЛАГАН УМИД ЮЛДУЗЛАРИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Алишер Махсимов, 1977 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини тугатиб, магистратурага, халқаро тижорат-ҳуқуқ соҳасига ўқиш учун Англияга йўл олмоқда:

— Беш босқичда синовдан ўтдик — тил, маънавият, мутахассислик бўйича тест ва суҳбат ҳамда якунловчи расмий тест. Қисқаси, энг муносиблар саралаб олинди. Шулардан бири бўлганлигимдан бахтиёрман ва бунинг масъулиятини ҳам ҳис қилиб турибман.

Ҳидоятхон Холматова, ўқитувчи, Фарғона вилоятидан:

— Катта ўғлимиз Азизжон АҚШнинг Флорида штатидаги Таллахасе университети магистратурасини шу йил тугатиб келди. Энди укаси Лазизжон ҳам Техника университетини тамомлаб, Канадага йўл олмоқда. Қизимиз Дилноза ҳам Техника университетининг бизнесни бошқарув факультетида таҳсил олмоқда. Унинг ҳам нияти ўқишни чет элда давом эттириш. Кенжамиз Азамат — абитуриент. Акалари изидан бормоқчи. Буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофати ва Президентимиз ғамхўрлигидан деб биламан.

Дилшод Набиев, Ургут туманидан:

— Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаб, магистратурада ўқиш учун Германияга йўлланмани қўлга киритдим. Юртимизда чорвачилик соҳасини янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш учун билимимни ошириш ҳаракатидаман.

Ҳусан НИШОНОВ, "Маърифат" мухбири

Суратларда: тантанадан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар

ЗАКОВАТ ВА АДОЛАТ СИНОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Абитуриентларни ҳар бир йўналишлар бўйича йиғиб, улар билан тушунтириш ишларини олиб бордик. Тест синовларига қандай тайёрланиш зарурлиги, шу куни ўзини қандай тутиши кераклиги, ҳатто ота-оналарнинг фарзандларини қаерда кутиши лозимлигини ҳам тушунтирдик. Мана, кўриб турибсиз, институт атрофида овқатланиш жойлари ташкил этилиб, ота-оналарнинг дам олишларига шароит яратилган. Тиббий ёрдам ҳам ташкил этилган бўлиб, улар ҳар бир бинода фаолият кўрсатяпти. Яна шуни таъкидлаш жоизки, 20 июндан бошлаб ДТМ томонидан тайёрланган махсус видеотасма мунтазам равишда ота-оналар ва абитуриентларга намойиш этиб борилди. Институт раҳбарияти махсус жадваллар асосида ҳар куни навбатчиликда бўлиб, абитуриентларнинг барча саволларига жавоблар беришди.

Проректорнинг таъкидлашича, бу йил ТТЕСИнинг кундузги бўлимидаги мавжуд 8 та йўналишга 626 та ўрин ажратилган бўлса, ушбу жойларга жами 1545 та ҳужжат қабул қилинган. Сиртқи бўлимда мавжуд 85 ўринга 505 нафар талабгор бор. Институтда бу йил илк бор технологик жараёнларни автоматлаштириш ва бошқариш йўналиши янгидан очилиб, бу ерда ҳам 48 та ўринга 106 нафар даъвогар бор.

ИМТИҲОН ТУГАДИ, АММО....

Ўзбек йиғинни яхши кўради. Гузару бозор, чойхонаси ҳеч қачон кимсасиз бўлиб қолмаган. Тўй-маъракалар ҳақида-ку, гап бўлиши мумкин эмас. Кишилараро меҳр-муҳаббат, оқибат шунчаликки, имтиҳон—синовлар ҳам йирик анжуман бўлиб, байрамдай, тўйдай ўтади. Илойим, ўзбекнинг байрамларию тўйлари асло камаймасин!

Биринчи август куни Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ҳам байрамдайин гавжум бўлди. Эрталаб соат 6[34] **да Давлат Тест марказидан махсус машинада тест савол китобчалари ва жавоб варақалари солинган қутилар келтирилгач, асосий жараён бошланди.**

ТДПУга бу йил кундузги бўлимга 845 та давлат гранти, 1178 та контракт бўйича талабалар қабул қилиш режалаштирилган. Сиртқи бўлимга эса 140 та грант, 185 та талаба контракт бўйича қабул қилинади. Ўқитувчи бўлишга даъвогарлар сони эса 11200 нафарни ташкил этди.

Абитуриентлардан бир нечтасини суҳбатга тортдик.

Дилафрўз МАҲМУДАЛИЕВА, Тўйтепа шаҳридан, география факультетига ҳужжат топширган:

— Ҳозирги кунда ўқитувчиларнинг қадри тикланиб, обрўйи янада ошиб бораётир. Мактабни тугатиб, тикувчиликка ўқиган эдим. Буям керакли ҳунар. Ўқитувчи бўлиш эса азалий орзуим эди.

Самандар ШЕРНАЕВ, яккабоғлик, ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқимоқчи:

— Уч йил юридик институтга ҳужжат топшириб, киролмаганман. Ўтган йили бир синфдошим кириб кетди. Ўқияпти. Мен 180 балл билан киролмадим. Бу йил ҳам шунча балл тўпласам, бу ерга кириб кетишим мумкин.

Умида АҲМЕДОВА, Элликқалъа туманидан, химия ўқитувчиси бўлмоқчи:

— Тошкентда ўқиш узоқ туманлардан келган биз каби ёшлар учун шараф. Тест — адолат мезони эканлигига ишониб келганмиз. Мактабни шу йил тугатдим. Ўз кучимга, билимимга ишонаман.

Ҳар йилгидек, педагогика университетига абитуриентлар кўп ҳужжат топширганлиги ва бу йил сиртқи бўлимлар учун тест синовлари ҳам 1 августга белгиланганлиги сабабли университетнинг мавжуд 9 ўқув биносидан ташқари Яккасарой туманидаги 8 та мактаб биноларида ҳам тест имтиҳонлари ўтказилди. Абитуриентлар жойлашиб бўлишгач, соат 9[00] да 3-ўқув биносидаги аудитория раҳбари Тошкент шаҳридаги 8-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Элмира Балиева бўлган ҳонада тест синови бошланиши жараёнини кузатдик. Ҳаммаси рисоладагидек бўлди.

Соат 10 дан 52 дақиқа ўтганда биринчи абитуриент имтиҳон топшириб чиқди. Уни гапиртиришга ҳаракат қилдик.

— Ўзингизни таништиринг.

— Мадамин Бердиевман.

— Қайси вилоятдансиз? Қайси факультетга имтиҳон топширдингиз?

— Қашқадарёликман. Тарих факультетига топширдим.

— Кайфиятлар қалай?

— Ёмон эмас.

— Саволлар қийин эмас эканми?

— Билмадим. Билганимча белгиладим.

— "Ахборотнома"дан савол тушдими?

— Ҳа. Унда кўрмаганларим ҳам бор экан.

— Нима дейсиз, кира оламан, дея оласизми?

— Билмадим. Ҳозир ҳаяжондаман, ҳеч нарса деёлмайман...

Шундай қилиб, яна бир имтиҳон тугади. Ҳаяжонлар эса ҳали босилгани йўқ...

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Ҳусан НИШОНОВ, "Маърифат"нинг махсус мухбирлари

Суратларда: ҳаяжонли дақиқалар. Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Xalqaro ko'rgazma

САМАРҚАНД КУЛОЛЛАРИ ГОЛЛАНДИЯДА

"Мерос" халқаро ҳунармандлар ассоциациясининг Самарқанд бўлими вакиллари халқ санъати бўйича Голландияда ўтказилган халқаро кўргазмада муваффақиятли иштирок этдилар.

— Цвальмен шаҳрида ташкил этилган нуфузли кўргазма "Санъат байрами" шиори остида уюштирилган эди, — деди "Туркистон-пресс" мухбирига "Мерос" халқаро ҳунармандлар ассоциацияси раиси Зариф Муҳторов. — Унда дунёнинг 16 мамлакатидан келган усталар ўзларининг кулолчилик буюмларини намойиш этишди. Бизнинг усталаримиз бундай катта кўргазмада илк бор қатнашдилар. Шуниси диққатга сазоворки, самарқандлик кулолларнинг ижобий ишлари ўзининг ранг-баранглиги ва жилоси билан ажралиб туради. Шу боисдан ҳам, бизнинг буюмларимизга қизиқиш катта бўлди. Мақсадимиз Голландия кўргазмаси орқали ўз буюмларимиз билан халқаро майдонга чиқиш ва уни экспорт қилишдан иборат. Меҳмонлар бизни ҳар икки йилда бир марта, сентябр ойида ўтказиладиган кўргазмада иштирок этишга ҳам таклиф қилишди. Шу билан бирга биз Италия, Франциядаги ҳамкасбларимиз билан ҳам алоқа ўрнатишга келишиб олдик.

Самарқандлик усталарнинг "Санъат байрами"да қатнашишида голландиялик тиббиёт ходими Марианна де Витнинг хизмати, айниқса, катта бўлди.

Самарқанд вилояти, "Туркистон-пресс"

Bu sizning kitobingiz — o'qing, o'rganing, asrang, avaylang!

ЎЗИГА ХОС СОВҒА

2000-2001 ўқув йилидан бошлаб, 7-синф ўқувчилари ҳам зоология фанини янги дарслик асосида ўрганадиган бўлишди. Гап шундаки, давлат таълим стандартлари ва янги ўқув дастури асосида О.Мавлонов, Ғ.Комиловларнинг 6—7-синфлар учун лотин ёзувидаги "Zoologiya" дарслиги "Ўқитувчи" нашриётида чоп этилди. Эндиликда 6-синф ўқувчилари ҳам "Botanika" курсини тугатгач, 4-чоракдан "Zoologiya" курсини ўқий бошлайдилар.



"Zoologiya" дарслиги қалин, сифатли муқоваланган. Унинг ички, ташқи томонларида турли ҳайвонларнинг рангли расмлари берилган. Янги дарсликда барча мавзуларга оид 144 та рангли расмларнинг берилиши ўқувчиларнинг мустақил ўқишига ва фикрлашига имкон беради.

Энг муҳими, дарсликда Ўзбекистонда мавжуд бўлган барча ҳайвонлар, ҳашаротлар, паррандалар ҳақида маълумотлар берилган. Зоологиянинг ривожланиш тарихи мавзусида Ўзбекистонда зоология фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшган ўзбек олимларидан Т.Зоҳидов, А.Муҳаммадиев, С.Асилмуҳамедов, Р.Олимжонов, М.Султонов ва бошқа йирик олимлар ҳақида маълумотлар берилган. Шуниси диққатга сазоворки, мавзулардан кейин топишмоқларни топинглар, ёд олинг, дейилган. Масалан,

Zuv-zuv borar,
Tomdan qarar.
Loy-cho'p tashir,
Savat to'qir.

(Qaldirg'och)

Atlas ko'ylak qanoti,
Xushxabarchi odati.

(Zag'izg'on)

Дарсликда шундай топишмоқ-шеърлардан 68 та берилган. Ушбу топишмоқлар ўқувчиларни ўйлашга, фикрлашга, мустақил ўрганишга даъват этади. Булардан ташқари, ҳар бир катта мавзулардан сўнг тест топшириқлари берилган. Мазкур усуллар бугунги кун янгиликлари бўлиб, ўқувчиларнинг ҳар бир мавзуни мустаҳкам ўрганишига ёрдам беради.

Дарслик охирида илова тариқасида мустақил билим олиш ва ўз-ўзини баҳолаш орқали билимни назорат қилиш тизимидан фойдаланиш мавзусида тушунчалар ва мисоллар берилган. Бу мавзу давомида оралиқ ва якуний назорат топшириқлари берилган.

Шуни ҳам алоҳида қайд қилиш лозимки, дарслик охирида ҳайвонларни мактаб жонли бурчагида сақлаш ва кузатиш ҳақида йўл-йўриқлар айтилган. Мутахассисларнинг эътироф этишича, дарслик бугунги кун талабига жавоб беради. Зотан, бу дарслик ўқувчиларга янги ўқув йили олдидан катта туҳфа ҳамдир.

Саидолим ОРИФХЎЖАЕВ, РТМ кимё-биология ва география бўлими бошлиғи

УМРБОҚИЙ ИЛДИЗЛАР

Meros

Европа педагогикасининг ютуқлари билан ўзбек халқининг таълим-тарбия соҳасидаги шонли ўтмишини ҳар тарафлама илмий-сиёсий таҳлил қилиш қуйидагилардан далолат беради. Буюк Уйғониш даври (XVII аср) бошлангунга қадар, Европада таълим назарияси ва амалиётини яратиш зарурлигини мовароуннаҳрлик алломалардек даражада ҳеч ким чуқур ҳис этаолмаганлар.

Зеро, алломаларимиз қолдирган бой маънавий меросни "умрбоқий илдизлар" деб айтишимизга тўлиқ асос бор.

Буни буюк мутафаккир (Юсуф Хос Хожиб, Маҳмуд Қошғарий, Бурхониддин Зарнуджий ва бошқа)лардан тортиб то қомусий олим (Фаробий, Беруний, Ибн Сино ва ҳоказо)-ларнинг педагогик таълимотларидан ҳам кўриш мумкин. Юқорида билдирилган фикрларимизга ишонч ҳосил қилиш учун Я.А. Каменскийнинг "Буюк дидактика" асарида баён қилинган таълим назариясининг яратилишига муҳим асос бўлган далилий тажрибаларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мовароуннаҳр заминида таълим назариясини яратиш бўйича Мирзо Улуғбекнинг Самарқанд мадрасасида таълим мазмунини аниқлаш, уни ташкил этиш ҳаракатлари бўйича олиб борган изланишлари фикримиз исботидир.

Европа уйғониш даврида фаолият кўрсатган италиялик Ф. Рабле, англиялик Т. Мор каби гуманист-педагогларнинг амалий педагогик фаолиятида, асарларида ҳам таълим мазмунини таъминлашнинг ташкилий шаклларини намоён қилиш масалалари М. Улуғбекнинг Самарқанд мадрасасидагидек жиддий қилиб қўйилмаганлигига гувоҳ бўламиз.

Айни пайтда Ибн Сино ўзининг "Тадбир ул-манозил" асарида европаликлардан V аср олдин болани уй шароитида якка ўқитишга нисбатан уни мактабда жамоа билан ўқитишнинг устун эканлигини кўрсатиб берган.

Алломанинг таъкидлашича, бунда болалар бир-бирларидан ўрганадилар, ўқувчиларнинг такаббурлиги, ғурури уларнинг ўқишдан орқада қолиб кетишига йўл қўймайди.

Уларда бир-бирларини тинглаш ва бир-бирларига гапириб бериш малакалари шаклланади.

Умуман, Мовароуннаҳрда, Европадан анча олдин, таълим тарбияни якка кўринишда, оила шароитида, шогирдликка кириш, жамоа каби турли шаклларда амалга оширилганлиги тўғрисида жуда кўп ишончли манбалар гувоҳлик беради. Жумладан, Самарқанд мадрасасида таълим олган Маҳмуд Ибн Ҳайдар ўзининг хотираларида мазкур доирафунунда шогирд (талаба)-ларга жамоа (10-15 кишидан иборат) шаклида таълим берилганлиги, таълим жараёни дарс жадвали асосида ташкил этилганлиги, унда жиддий ички назорат ўрнатилганлиги, мударрисларнинг танлов асосида ишга олинганлигини қайд қилиб ўтган.

Мазкур тажрибанинг Европада Я.А. Каменский томонидан XVII асрда қайтадан кашф этилганлигини ва уни "дарс-синф" тизими деб аталганлигини кўрсатиш, шубҳасиз, ўқувчи-ёшларни истиқлол ғояларига садоқатли бўлишга, шонли ўтмишимизни ҳурмат қилишга ва порлоқ келажакка ишонч туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Буюк алломаларимиз томонидан педагогик амалиётга киритилган барча таълим принциплари хориж таълим технологиясининг негизини ташкил қилганлигига бугун ҳеч ким эътироз билдира олмайди.

Ўрта осиёлик мутафаккирларнинг таълим тўғрисида қолдирган илмий-педагогик мероси ҳақидаги хулосамиз шундай: бизнинг алломалар Европадан таъсирланган эмас, аксинча улар биздан ўрганишган.

Н. ШОДИЕВ, СамДУ профессори

ИБРАТЛИ МАСКАН

Жуман Тошпўлатов номидаги 44-ўрта мактаб Жиззах туманида ибратли илм масканларидан бири саналади. Бундан салкам ўттиз йиллар муқаддам қишлоқ аҳли ҳашар йўли билан қурган ушбу мактабга бугунги кунда тажрибали мураббий Очилбой Тўраев раҳбарлик қилмоқда. Мактаб жамоаси маҳалла, ота-оналар, ҳомий ва оталиқ ташкилотлар билан яхши ҳамкорликни йўлга қўйганлиги боис, биноларни таъмирлашда, даргоҳни янги ўқув йилига тайёрлашда, болаларни дарсликлар билан таъминлашда яккаланиб, қийналиб қолмайди. Таълим муассасаси туманда ҳар йили биринчилардан бўлиб янги мавсумга шай қилиб қўйилади. Бу йилги таъмир ишларида айниқса, ота-оналар орасида Қиличбек Шодмонов, Алламурод Пиримқулов сингари саховатпеша инсонларнинг ёрдами сезиларли бўлди.

Мактабда болаларни касбга йўналтириш бўйича тикувчилик ва ҳунармандчилик тўгараклари фаол ишлаб турибди. Сифатли таълим самараси ўлароқ, ўқувчиларнинг фан олимпиадаларида қатнашиши ва битирувчиларнинг олий ўқув юртларига кириш кўрсаткичлари яхши. Шунингдек, болаларни мактабга тайёрлашда ҳам туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда намунали ишлар йўлга қўйилган. Даргоҳда замон талабига мос равишда ишни тўғри йўлга қўйишда Шаҳодат Эрназарова, Файзулла Эргашев, Рустам Ўролов, Муҳаббат Пардаева сингари жонкуяр ўқитувчиларнинг фаолияти сезиларлидир.

Мактабнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш мақсадида билим даргоҳи ҳовлисида беш минг туп терак ўстирилмоқда.

Мактаб раҳбари Очилбой ака Тўраевнинг пировардида таъкидлаб ўтишича, муваффақиятга эришишнинг асосий шарти аҳилликда, изланишдадир.

И.БЎРИБОЕВ

РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ

(ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ 2000 ЙИЛ АНЪАНАВИЙ

ЧИЗМАЧИЛИК ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ

Умумий ўрта таълим мактабларининг янги ўқув режасига биноан 2000-2001 ўқув йилида 7-синфларда чизмачилик дарслари ўтилмайди. 8-синфларда амалдаги "Техникавий графика асослари" дастури ва дарслигидан фойдаланилган ҳолда ўқув ишлари давом эттирилади. Ўқув жараёнида дастур мазмунидан келиб чиқиб, ҳар бир чорак учун иккитадан график иш бажарилиши тавсия этилади. Мазкур график ишлар мураккаблик даражасига қараб дафтарга ёки чизма қоғозига бажарилиши мумкин. 9-синфларда эса, РТМ томонидан тайёрланган "Чизма геометрия элементлари" дастури ва методик тавсиялар асосида машғулотлар олиб борилади.

Ўқувчиларнинг эгаллаган назарий билимлари тест саволлари, амалий билимлар эса график топшириқлар ёрдамида синаб кўрилиши тавсия этилади. График топшириқлар сони ва ҳажми амалдаги дастур мазмунига мос равишда ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилиши мумкин.

Болаларнинг билим даражасини назорат қилишда улар томонидан бажарилган ижодий ишларга эътибор берилиши зарур. Ижодий иш мазмунида ўқувчилар томонидан якка тартибда бажариладиган лойиҳалаш элементларига оид топшириқлар, график иш мазмунига ижодий ёндашиш, моделлар ясаш, кўргазмали қуроллар, плакатлар тайёрлаш ва бошқалар ифода этилиши лозим.

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Чизмачилик бўйича шўъба йиғишларида муҳокама учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади.

1. Чизмачиликдан янги Давлат таълим стандарти ва дастурини амалиётга жорий этиш.
2. Ўқувчиларнинг билим даражасини назорат қилишда рейтинг тизимидан фойдаланиш.
3. Чизмачилик дарсларида ижодий ишлашга имконият яратиш.
4. График таълим ва янги педагогик технология.
5. Қурилиш ва меъморчилик чизмаларида миллий мафкура масалалари.
6. Тест топшириқлари билан ишлаш.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ. 5-7—СИНФЛАР

1999-2000 ўқув йилидан бошлаб "Тасвирий санъат" ўқув предметидан янги ўқув дастури амалиётга жорий этила бошланди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тавсия этилган дастур Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг барча умумий ўрта таълим мактаблари учун ягонадир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, янги ўқув йилида ўқитувчининг ҳар бир блок кириш дарси, суҳбат дарсига нечоғлик тайёргарлик кўриши бутун чорак давомида бажариладиган амалий тасвирий фаолиятнинг онгли, тушунарли кечишини таъминлайди. Бунда ўқитувчининг ҳикояси билан бирга суҳбат жараёнида намойиш этиладиган материаллар (иллюстрациялар, оригинал буюмлар, слайдлар, кино ва видеофильмлар ва ҳ.к.)нинг аҳамияти катта. Ўтган ўқув йилида санъатдаги оқим ва йўналишлар билан боғлиқ бўлган материалларни ўтишда мураккабликлар кузатилди. Янги ўқув йилида ўқитувчи шуларга эътибор қаратиши лозимки, бу йўналиш ва оқим вакиллари асарларининг рангли репродукцияларини ўқувчилар билан бирга таҳлил этиш уларнинг моҳияти "тили"ни тушуниш имконини беради.

Ўзбекистон тасвирий санъатининг бугунги кундаги янги йўналишларида яратилаётган асарларидан (Б.Жалолов, Ж. Умарбеков, Л.Ибрагимов, А.Нур, А.Мирзо, О.Қозоқбоев, Б.Исмоилов) қиёсий фойдаланиш тасвирий санъат ва йўналишларни адекват идрок этишни осонлаштиради. 5-синфда ўтилган портрет жанрига оид машғулотларда ортгирилган малакалар 6-синфга келиб янада такомиллашган тарзда қўлланилиши яхши самара беради.

Дастурнинг яна бир мураккаб жиҳати миниатюра санъати билан боғлиқ. Аввало миниатюра санъати ҳақида ўқувчида тўғри ва етарли тасаввур ҳосил бўлишида ўқитувчининг малакали ҳикояси ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Асосий мақсад, ҳамма ўқувчини миниатюра усулида ишлашга ёппасига ўргатиш бўлмаслиги лозим. Зеро, бу мураккаб санъат тури барча ўқувчиларнинг табиатига мос тушавермайди. Шунинг учун ҳар бир ўқувчини мазкур санъат турининг тарихи, тасвирий воситаси ва принциплари билан таништирган ҳолда уларни элементар қўллаш малакаларини таркиб топтиришга қаратилади. Бу жараён бадиий адабиётларга иллюстрация ишлаш тарзида амалга оширилади. Айрим ҳолларда миниатюра композицияларидан, уларнинг парчаларидан намуна кўчириш ҳам бу санъат турининг ўзига хос томонларини ўрганишга хизмат қилиши мумкин. Баъзан ўқувчилар билан шу йўналишда индивидуал иш олиб борилади.

Масалан, тасвирий санъатда портрет (натюрмортлар ва ҳ.к.) жанри. Унинг ҳам графикада, ҳам рангтасвирда, ҳам ҳайкалтарошликда бажарилиши бир ғояни, бир композицион ечимни турли воситаларда синаб кўриш имконини беради. Бу ўз навбатида ҳар бир ўқувчига хос бўлган индивидуалликни кашф этишга хизмат қилади. 2000-2001 ўқув йилида тасвирий санъат дарслари 5-7—синфларда муаллифлар А.Сулаймонов ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган ДТС ва дастури ("Таълим тараққиёти", 6-махсус сон, Т., 1999.) асосида олиб борилади.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ

Методик тавсиялар

Маълумки, бошланғич синфларда шу пайтга қадар "Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат" дарслари мужассам машғулот тарзида ўтказиб келинар эди. Эндиликда янги ДТСларнинг амалиётга жорий этилганлиги муносабати билан "Тасвирий санъат" ва "Меҳнат таълими" дарслари алоҳида ўқитиладиган бўлди. Бу дарснинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, бошланғич синф ўқитувчилари ва тасвирий санъат мутахассисларидан бирмунча тайёргарлик кўришлари лозимлигини тақозо этади. Чунки 1-4—синф тасвирий санъат дастури "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да кўрсатилган талаблар асосида қайта ишлаб чиқилган.

Тасвирий санъат предметининг алоҳида ўқув предмети сифатида ажралиб чиқиши бошланғич синфда ўтиладиган дарс жараёни таркибига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Бунда ўқувчилар бадиий меҳнат асослари билан танишишни давом эттирадилар.

Тасвирий санъат ва бадиий меҳнатга оид алоҳида-алоҳида ўқув топшириқларини бажариш ўқувчиларнинг тасвирий санъат ва меҳнат таълими борасидаги билим, малака ва кўникмаларини янада такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга.

1-4—синфларда тасвирий санъат машғулотларининг қуйидаги турлари бўйича иш олиб борилади:

1. Идрок этиш (1 ва 2-синф):
   — борлиқни идрок этиш;
   — санъатни идрок этиш.
2. Санъатшунослик асослари (3-4—синф):
   — борлиқни идрок этиш;
   — санъатни идрок этиш.
3. Композицион (3-4—синф):
   — рангтасвир композицияси;
   — ҳайкалтарошлик композицияси;
   — декоратив композиция.
4. Рангшунослик.
5. Бадиий қуриш-ясаш.

I-IV синфлар учун мўлжалланган "Тасвирий санъат" дастурининг машғулотлар таркибига қуйидаги ўзгартишлар киритилди:

1. Амалдаги дастурда берилган "Идрок этиш" бўлими III ва IV синфлар фаолияти характерига мос тарзда "Санъатшунослик асослари" деб ўзгартирилди. Бундан мақсад, ўқувчиларга тасвирий санъат ва борлиқдаги гўзалликни янада яққолроқ ҳис қила олишга имконият яратиш ҳамда уларни тасвирий санъат ва бадиий меҳнатнинг ўзига хос "тили" билан яқиндан таништиришдир.
2. "Композиция" ибораси ҳам асосан 3-4—синфдан бошлаб қўлланилади.
3. Бошланғич синф ўқувчиларининг ёшлари ва қизиқишлари ҳисобга олинган ҳолда бериладиган ўқув топшириқларини ўқувчилар ўйин тариқасида ўзлаштириб олишлари лозимлиги назарда тутилган.
4. Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат машғулотларида ўқувчиларнинг жамоа бўлиб ишлаш фаолиятларини ташкил этиш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилган.

Мазкур масканнинг бошқалардан фарқи шундаки, унда ногирон боласи бўлган, ногиронликнинг аччиқ қисматини қалбдан ҳис қилган ота-оналар хизмат қилаётир.

Баъзан бирор тарбияси оғирроқ ўқувчи ҳақида гапириб, ундаги салбий хислатларнинг олдини олмоқчи бўлган тарбиячи, устоз ўша ўқувчининг ота-онаси олдида мулзам бўлиб қолади.

Fanimiz fidoiylari

КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

Камтар инсон, қомусий билимлар соҳиби бўлган педагог Маҳмуд Сатторов бир неча йўналишда фаолият олиб бориб, бозор иқтисодиёти, менежмент, маркетинг, бухгалтер ҳисоботи ва қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантиришдаги тарғибот ишларида жонбозлик кўрсатиб келаётир. Шу билан бирга математик моделлаштириш, одамсиз фаолият кўрсатувчи завод автоматларини яратишда ва Буюк ипак йўли тарихи йўналишларида муваффақиятли илмий изланишлар олиб бормоқда.

М.Сатторов 1982 йилда Ленинград электротехника институти аспирантурасини тугатиб, диссертацияни муваффақиятли ёқлагандан кейин ўз меҳнат фаолиятини Тошкент политехника институтида ассистентликдан бошлади. Бугунги кунда у Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги бизнес мактабида директор муовини, доцент лавозимида ишламоқда. Унинг кўп қиррали инсон бўлиб етишишида аспирантурадаги ўқиш даври сабаб бўлди, десак бўлади. Уёқдалигида ўз юртининг тарихига қизиқиб, Салтиков-Шчедрин ва Фанлар академияси кутубхоналари жавонларидан археологик, тарихий асарларни ўрганиб чиқди ва "Буюк ипак йўлининг Ўрта Осиё тарихидаги роли" мавзусида биринчи бўлиб ноёб илмий-оммабоп асар яратди. "Ҳисоблаш жараёнларини бошқариб, корхоналарни ялпи автоматлаштириш математик моделлари" мавзусида диссертация ёқлаб, техника фанлари номзодлиги илмий унвонига сазовор бўлди.

Олим 1982-1991 йилларда Тошкент политехника институтида ўтказган илмий изланишлар натижасида чоп этган илмий-методик қўлланмалар олий мактабларга жорий қилинмоқда. У республика маънавият ва маърифат жамоатчилиги йўлланмалари билан корхона, ташкилот, хўжаликлар ва маҳаллаларда тез-тез бозор иқтисодиёти, ҳукуматимиз сиёсати, маркетинг ва менежмент бўйича маърузалар ўқиб келмоқда.

М.Сатторовнинг илмий-педагогик қадрлар тайёрлаш бўйича олиб бораётган ишлари ҳам салмоқлидир. Унинг раҳбарлигида 4 нафар фан номзодлари тайёрланган. Яна 2 нафар шогирдлари фан номзодлиги даражасига эришишга тайёргарлик кўришмоқда. У бугунги кунгача илмий ишларини ҳам тўхтатгани йўқ. Яъни юзга яқин илмий-оммабоп мақолалар чоп этиб, учта ўқув қўлланма, иккита монография ёзди ва янги илмий ишлар ҳамда асарлар устида тадқиқотлар олиб бормоқда.

М.ҲАЙДАРОВ,
Ш.НИШОНОВ

2000 yil — Sog'lom avlod yili

БЕҒУБОР ҚАЛБ СОҲИБЛАРИ

Пойтахтнинг Юнусобод туманидаги ногирон болалар соғлигини қайта тиклаш ва бирлаштириш жамияти шаҳар ногирон болалар соғлигини қайта тиклаш ва бирлаштириш жамияти ёрдамида 1998 йилда ташкил этилди. Жамият фаолиятини қишлоқ қурилиш бошқармасига қарашли (Муртазоев кўчаси, 40-уй) бир хонада 465 нафар бола билан бошлади. Жамият ходимлари уйма-уй юриб ва ижтимоий таъминот бўлими рўйхатида турган ногирон болаларни топиб, жамиятга йиғдилар. Жамиятнинг мақсади, ногирон болаларни соғломлаштириш, билим бериш, ўқитиш, онгини ўстириш, касб ўргатиш ва мустақил ҳаётга тайёрлашдан иборатдир.

Айни пайтда жамиятга 16 ёшгача бўлган 911 нафар туғма ногирон жалб этилган.

"Ёнграг" хайрия жамғармасидан жанубий кореялик стоматолог Доктор Чон ўрнидан туролмайдиган болаларнинг уйларига бориб, тиббий асбоб-ускуна, дори-дармонлари билан уларнинг тишларини даволаб, озиқ-овқат (макарон, ёғ, вермишель, печенье) билан беморлар кўнглини кўтараётир. Шунингдек, мазкур жамғармадан инглиз тили мутахассислари Дилфуза Ҳасанова, Наргиза Боймуродовалар инглиз тили тўгараги аъзоларига хорижий тил ўргатяптилар.

Соғломлаштириш хонаси Канада элчихонаси ёрдамида жиҳозланди. Югуриш йўлкаси, велотринажёр, ботиртринажёр, "Здоровье" тринажёри, вибромассаж тринажёри, нарвонча, қўл, оёқ ва уқалаш эспандери, диск, ролик, копток, катта ва кичик гантеллар, матрас шулар жумласидандир. Болажонлар машғулотларни Ислом ака Ҳусанов раҳбарлигида амалга оширмоқдалар.

Жамият ёзги соғломлаштириш мавсумида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, сузиш сирларини ўргатиш мақсадида "Донг-спорт" сузиш ҳавзаси, "Ўзхимфарм", "Тридинг-фарм", "Чаканда", 3-дори-дармон дорихонаси билан шартнома тузган. Жамиятнинг банкда ўз ҳисоб рақами мавжуд.

Жамият қатор сиҳатгоҳлар билан ҳамкорлик ўрнатган. Жумладан, 21 нафар бола Семашкода, 4 нафар бола "Умид" реабилитация марказида, 1 нафар бола "Чинобод" сиҳатгоҳида даволандилар.

Ногиронлар масканида рақс, инглиз тили, тикувчилик, ашула тўгараклари болажонлар хизматида. Мазкур тўгарак раҳбарлари ўз мутахассисликлари бўйича жамиятга ҳомийлик қилмоқдалар. "Машҳура" хусусий фирмаси мутахассиси Шаҳноза Гаффорҳўжаева бичиш-тикишнинг нозик сирларини ўргатаётир. Оверло, 4 та тикув машинаси мавжуд. Қизлар дастлаб ўлчов олиш, андаза чизиш, бичиш, тикишни ўргандилар. Уч ой мобайнида турли бичиқдаги юбка, кофта, миллий кўйлак, халат, костюм тикишни ўргандилар.

Мукаррама Турғунбоева номли "Баҳор" халқ рақс ансамблидан Саида Зокирова рақс тўгарагига, республика Ўқувчилар саройидан Гўзал Шакурова ва Шоира Ҳакимовалар ўз ҳоҳишлари билан ашула тўгарагини бошқариб келмоқдалар. Пианино, магнитофон бор. Тўгаракка 20 нафар бола иштиёқ билан қатнашяпти. Иброҳим исмли (8 ёш) болада тутқаноқ касали тез-тез хуруж қилиб турар эди. Уч ой, яъни ашула айтиб, ўйинда иштирок этганидан буён касаллик безовта қилгани йўқ, дори ҳам қабул қилмади. Шунингдек, у инглиз тили тўгарагига ҳам қатнашади. Жамиятнинг навбатдаги режаси яна бир қатор тўгараклар ва синф очишдан иборат.

1999 йилда 13 нафар бола олий ўқув юртига ўқишга кирди. 47 нафари бизнес мактабига, 17 нафари тиббиёт билим юртига, 23 нафари эса касб-ҳунар билим юртларига ўқишга кирдилар. Жорий йилда 83 нафар бола инглиз тилини ўрганаётир.

Мазкур масканнинг бошқалардан фарқи шундаки, унда ногирон боласи бўлган, ногиронликнинг аччиқ қисматини қалбдан ҳис қилган ота-оналар хизмат қилаётир. Кўнгилли ёрдамчиларга дастлаб ҳомий ташкилотлар билан муомала қилиш, моддий ёки дори-дармон билан ёрдам бериш йўл-йўриқлари тушунтирилади. Дилбар Расулова, Манзура Исматова, Машҳура Абдураззоқова, Рустам Сафаров, Зуҳра Шоакбарова, Зарофат Абдураҳмонова сингари бағри кенг, меҳри дарё, онахонлар сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.

Жорий йилда МДҲ ташкилоти, Ташқи ишлар вазирлиги, туман ҳокимияти, туман ижтимоий таъминот бўлими, "Ўзбекинвест", ДАН каби 52 та ташкилот жамиятга ҳомийлик қилди.

— Жамиятимиз учун жой масаласи муаммо бўлиб турибди, — дейди жамият раиси Феруза Восиқова. — Ҳозирча тумандаги-болалар боғчасида жойлашганмиз. Ногиронлар жамияти учун муқим бир жой ажратилса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Суҳбатдош Дилбар ХЎЖАЕВА.

Суратда ногирон болалар соғлигини қайта тиклаш ва бирлаштириш жамияти фаолиятидан лавҳа акс этган.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Aks-sado

ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ ЛОҚАЙДЛИКНИ ЁҚТИРМАЙДИ

"Маърифат" газетасининг шу йил 12 апрель сонида эълон қилинган "Билим мақсадми, восита?" мавзусидаги мақолани ўқиб, кўпдан бери ўқитувчилар ўртасида баҳс-мунозарага сабаб бўлиб келаётган муаммо кўтарилганидан хурсанд бўлдим. Муаллиф бугунги кун учун энг долзарб бўлган муаммони ўртага ташлаб, бунинг қандай ҳал этилмоғи, унинг ечимини қаердан ахтариш кераклигига атрофлича тўхталиб, "маънавият қандай шаклланади, уни ўлчаб бўладими?" деган савол билан мурожаат қилади.

Хўш, маънавият деганда нимани тушунамиз? У қандай маънони англатади? Маънавият арабча сўздан олинган бўлиб, "маънолар мажмуи" деган маънони англатади. Унда кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлар ва тушунчалари мажмуи қамраб олинган.

"Маънавият — халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг кучқудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди, — деб таъкидлайди республикамиз Президенти И.Каримов. — Маънавиятимизнинг келгуси асрдаги шакл-шамойили, мазмун-моҳияти, таянч нуқталари ва тараққиёт уфқларини белгилаш, унинг тамойилларини ишлаб чиқиш, аввало, жамиятшунос олимлар, барча зиёлиларимизнинг вазифаларидир."

Кўриниб турибдики, бугунги кунда маънавият масаласига жуда катта эътибор берилмоқда. Яширишнинг ҳожати йўқ. Юксак маънавият соҳиби бўлган инсонлар миллий, умуминсоний қадриятларга қатъий риоя этадилар, иймон-эътиқодли, инсоф-диёнатли, ориятли, ор-номусли бўладилар, ҳалол яшаб, миллат манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўядилар, хайр-саховатли, меҳр-оқибатли, мурувватли бўладилар.

Президентимиз ўз нутқларининг бирида "Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади", деб жуда тўғри айтганлар. Бизнинг мақсадимиз келажаги буюк давлат қуриш бўлиб, пойдеворнинг қанчалик мустаҳкам бўлиши ёш авлод тарбиясига, маънавиятига боғлиқдир. Маънавий соғлом бўлган миллатгина соғлом авлодни тарбиялай олади. Аввало миллатни соғломлаштириш, миллат маънавиятига эътиборни қаратиш керак бўлади.

Баъзан бирор тарбияси оғирроқ ўқувчи ҳақида гапириб, ундаги салбий хислатларнинг олдини олмоқчи бўлган тарбиячи, устоз ўша ўқувчининг ота-онаси олдида мулзам бўлиб қолади. Баъзи ота-оналар "Сенга нима, ўғлимнинг тарбиясини менга қўйиб бер, сен билим бериш билан шуғулланг, ҳаётда ўз ўрнини топиб олади," дейдилар. Ота-боболаримиз: "Бола — ота-она ахлоқий қиёфасининг кўзгуси" деб бежиз айтишмаган. Дарҳақиқат, яхши хулқ, ижобий фазилат, ахлоқий хислатлар, феъл-атвор, хушфеъллик, самимийлик ота-онадан фарзандга ўтиб боради. Қатрада қуёш акс этганидек, болада ота-онанинг маънавий қиёфаси акс этади.

Гап нимадалигини англагандирсиз. Ўзи тарбияга муҳтож ота-она қандай қилиб фарзандига эзгулик уруғини соча олади. Баъзи ота-оналар яшаш мазмунини, бахтни, илмни ҳам ўз қаричи билан ўлчаб, хулоса чиқаради. Бундай ота-оналар фарзандига бойлик мерос қолдириши мумкин, лекин маънавий мерос эмас. Зеро, Ҳадису шарифда "Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос бера олмайди" дейилади.

Тарбия масаласига буюк шахслар ўзларининг фикрларини билдириб келганлар. Буюк мутафаккир, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ҳазратлари ҳам инсон ҳаётининг асл мақсадини одамийликда деб билганлар. Ана шу мезонга эга бўлган инсонгина комил инсон даражасига кўтарилишини уқтириб ўтганлар. Аҳмад Яссавий бобомиз эса адолат, поклик, ҳалоллик нафс балосига қарши кураш кабиларни орифлик даражасидаги мезон деб таърифлаганлар.

Атрофга назар ташланг, давримиз тараққиёт ва ўзгаришлар, маънавий покланиш томон бораяпти. Шунинг учун ҳам мустақиллик даври ўқувчи онгини, ахлоқини, маънавий дунёсини бойитишни тақозо этмоқда. Ҳар томонлама камолга етган маънавий бой, ахлоқий пок, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш кун тартибига қўйилгани бежиз эмас.

Муаллиф ўқувчи маънавиятини уч босқичда — одоб, ахлоқ ва ўзликни англаш даражалари бўйича баҳолашни тавсия этаяпти. Тўғри, ҳали ахлоқ, одоб ва ўзликни англашнинг қай даражада шаклланганлигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилгани йўқ. Бунинг учун кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш, барча ўқитувчилар, тарбиячиларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш, республика ўқув муассасалари қошидаги "Маърифат ва маънавият" марказларида фаолият кўрсатаётган изланувчан фидоий кишиларни бу ишга жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Аввало, маънавият ишлари бўйича фаолият кўрсатаётган шахсларнинг ўзлари қай даражада маънавиятли эканликларини, ўйлаш вақти келди, чунки шахсни камолотга етакловчи, унинг маънавиятини ўстиришга, ўзлигини англашга ёрдамлашувчи инсон ниҳоятда тарбияли, ҳар томонлама етук инсон бўлиши керак.

Таълим бевосита тарбиянинг муҳим воситаси бўлиб, барча мақсад ва вазифаларга шу орқали эришилади. Шуни унутмаслик керакки, ўқувчи билимда оқсаб қолса, бугун ўзлаштирмаган билимини эртага ўзлаштириб олади, лекин тарбияда оқсаса лоқайд бўлмаслик керак.

Бизнинг бола тарбиясига нисбатан лоқайд қарашимиз жамиятни маънавий инқирозга олиб келади. Шунинг учун ҳам мақола муаллифи таълим-тарбияни оммавий уюштириш жамоадаги барчанинг ижтимоий бурчи эканлигини уқтираяпти. Ҳа, тарбия жараёни хотиржамликни, бақиёбеғамликни, лоқайдликни, энг муҳими сохталикни ёқтирмайди.

Мукаррам КАБИРОВА,
Тошкент Давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейининг тарих ўқитувчиси

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ШАЙ

Xabar

Шаҳрисабз шаҳридаги Собир Раҳимов номли 96-таянч мактаб маъмурияти ота-оналар ва мактаб ўқитувчи-хизматчиларининг бевосита ёрдами билан мактабни қисқа муддатда таъмирдан чиқардилар.

— Мактаб таъмирининг барвақт тугаллаганишида мактабнинг таъмирчи бригадаси аъзоларининг хизмати катта бўлди, — дейди мактаб директори Зиёдулла Турсунов. — Спорт майдон-заллари, кутубхона, ошхона, телевизор, радиолар ҳам қайта таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, «Соғлом авлод йили»да мактаб ўқувчиларининг тўлиқ мактаб формасида бўлишини таъминлаш, ўқув дарсликлари билан тўлиқ таъминлаш ишлари ота-оналар билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Аҳад МУҚИМОВ

"ТАРИХИ ТОММ" — ҚИММАТЛИ МАНБА

Moziydan sado

"Минг асрлар ичра пинҳон" тарихимизни ёритишга асос бўла оладиган манбалар бугунги кунда кўплаб нашр қилиниб, китобхонларга етказилмоқда. Ана шундай ноёб, фактик материалларга бой асарлардан бири "Тарихи томм" ҳам тарихий асарларимиз қаторидан жой олди. XVII асрда яшаб ўтган олим Мулло Шарафуддин Аълам ибн Нуриддин Охунд ибн Мулло Фарҳод қаламига мансуб бу асар тарихимизнинг шонли даври — Амир Темур ва темурийлар даврига оид, баъзилари ҳали бизга номаълум бўлиб келаётган тарихий шахслар ва алломалар ҳақида қимматли маълумотлар беради. Асар "Тарихи Роқимий", "Тарихи Роқим", "Таворихий Мир Саййид Шариф Роқим", "Тарихи Темур ва Оли Чингизи Мир Шариф Роқим", "Тарихи касира" номлари билан машҳур бўлиб келган.

Муаллиф ҳақидаги маълумотлар йўқ ҳисоби. Фақатгина муаррихнинг Субхонқулихон (1681—1702) даври олимларидан эканлиги, Андижон вилоятида туғилганлиги ва ёшлигида оиласи билан Самарқандга кўчиб келганлиги маълум, холос. Қози Муҳаммад Бадеъ Самарқандий ўз тазкирасида унинг Роқим тахаллуси билан шеърлар ёзганини ҳам таъкидлайди.

Кўпроқ "Тарихи Роқимий", "Тарихи касира" номлари билан машҳур бу асар 1913 йили Тошкентда Ғулом Ҳасан Орифжонов босмахонасида бухоролик тарихчи Мирзо Салимбек (1848—1930) томонидан Возеҳнинг "Туҳфат ул-аҳбоб" тазкираси ҳошиясида форс тилида чоп этилади. Китобни 1864-65 йиллари Муҳаммад Юсуф ибн қози Хожамберди Хоразмий Рожий "Таворихи кибор" номи билан ўзбек тилига таржима қилган. Унинг ягона нусхаси Санкт-Петербургда сақланмоқда. 1998 йили "Маънавият" нашриётида чоп этилган бу асар 1777 йили кўчирилган "Тарихи томм" қўлёзмасига асосланади. Қўлёзма форс тилида ёзилган бўлиб, ўзбек тилига олимлар — Ҳайдарбек Бобобеков ва Наим Норқулов томонидан таржима қилинган. Шуни таъкидлаш жоизки, қўлёзма бугунги кунда профессор Ҳ.Бобобекованинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда.

Китобнинг номланиши ҳақида сўзбошида шундай дейилади: "Асарни асл номи билан чоп этишимизга бир неча сабаб ва асос бор. Ибод Шоҳ Кўчак ибн Мулло Шоҳ Осиф Тошкандий тўплаб, тартибга солган 69 та тарих "лафзан ва адад ила тарих этган". Бундай тартибда ёзилган асарлар эса "тарихи томм" деб аталади".

Муаллиф асарда Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эронда яшаб ўтган кўплаб олимлар, шоирлар, дин пешволари, султонлар, амирлар, турли биноларнинг қурилиши ва баъзи тарихий воқеалар ҳақида қимматли маълумотлар беради. Шунингдек, асарда бизга номаълум бўлиб келган шоиру уламолар ҳақида ҳам маълумотлар бор. Масалан, Мавлоно Абтарий, Хожа Абдулла Ҳотифий, Мавлоно Фиғоний..., Китобда давлатчилигимиз тарихида ёрқин из қолдирган сиймо — Абдуллахон II (1557—1598) фаолиятига оид ноёб маълумотлар ҳам борки, бу бугунги кун тарихчилари учун ғоят муҳимдир. Масалан, Абдуллахоннинг бунёдкорлик фаолияти ҳақида шундай дейилади: "Зафар ва салтанати айёмида нусрат ва давлат шодурвонини Кайвон (Сатурн) айвони қуббасигача етказди. Фармонраволик муддатида 1001 жамоат биносини, мисли мадраса, хонақоҳ, работ, сардоба ва бошқаларни дунё харободи охират манзили шарафига бино қилдирди". Абдуллахон тими ҳақида: "Санайи 985/1577 йилда Абдуллоҳ Баҳодирхон Фохира Бухоро вилоятида Чаҳорсуй тимини бино қилдилар... Чорсу тимининг олти дарвозаси савдо аҳли учун очиқ, унда ҳар нарса сотиларди" дейи-лади асарда.

"Тарихи томм" асосан буюк шахсларнинг вафотлари санаси ҳақида маълумот берса-да, лекин шу билан бирга, улар фаолияти, бўлиб ўтган тарихий воқеалар ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Умуман олганда, мустақиллик даври тарихчисини фикрлашга, тарихий воқеаларни холис ёритишга хизмат этувчи бундай нодир асарларнинг босилиб чиқиши биз — тарих мухлислари учун қувончли ҳодисадир.

Камолиддин РАЖАБОВ,
ТДПУ тарих факультети толиби

XXI АСР БЎСАҒАСИДА

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИГА ТАВСИЯЛАР)

Мазкур ўқув предметидаги таълим ва тарбия асосан икки бўлимдан ташкил топади:

1. Амалий-бадиий фаолият.
2. Идрок этиш.

Амалий ишлар 1-синфдан то 4-синфгача, асосан 4 ўқув масалаларини ҳал қилишга қаратилади.

1. Композицион фаолият.
2. Ранг ва бўёқлар.
3. Шакл, корпорация, конструкция.
4. Фазо (макон).

1-синф ўқувчилари учун "Ўзингиз бўянг ва бажаринг", "Ўзингиз кўринг ва ясанг" каби номлар билан альбом кўринишидаги китобчалар чиқарилган. Худди шундай китобчалар 2-3—синфлар учун "Ўзингиз кўринг ва ясанг" номи билан нашр этилди.

Ўқувчилар ранг туслари ва уларни ҳосил қилиш усуллари, қаламда чизилган расмларни бўяш тартиби билан танишиб борадилар. Бу топшириқлар "оддийдан мураккабга" қараб боради. Ўқув топшириқларини бажариш жараёнида орттирган билим, малака ва кўникмаларини янада бойитадилар.

Китобчалардаги айрим расмлар, чизмалар калка (шаффоф) қоғози ёрдамида кўчирилади. Айримлари эса катталаштирилиб, картон қоғози сиртига кўчирилади ва керакли ўйинчоқлар тайёрланади. Бу машғулот жараёнида ўқувчилар тасвирий санъат дастурларида орттирган билим, малака ва кўникмаларига таянадилар.

Бу машғулотнинг асосий мақсади, у ўқувчиларнинг мустақил ишлай олиш малакаларини ривожлантириб, турмуш учун зарур бўлган фойдали кўрсаларни ясашга ҳам ўргатиб боради.

Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат дарсларида ўқувчилар томонидан тайёрланган ўйинчоқлар, чизилган расмлар турли кўргазмалар ташкил этишнинг аҳамияти катта. Бу ўз навбатида ўқувчиларнинг предметга бўлган қизиқишларини янада оширишга яқиндан ёрдам беради.

2000-2001 ўқув йилида тасвирий санъат дарслари 1—4-синфларда муаллифлар (Р. Ҳасанов ва Х.Эгамов) томонидан ишлаб чиқилган ДТС ва дастур ("Таълим тараққиёти", 7-махсус сон, Т., 1999) асосида олиб борилади.

Тасвирий санъат таълими бўйича шўъба йиғилишларида муҳокама учун қуйидаги маърузалар тавсия этилади:

1. Тасвирий санъат дарсларида болаларни мустақил ижодий фикрлашга ўргатиш.
2. Тасвирий фаолиятда миллий мафкуранинг ифодаси.
3. Тасвирий санъат таълими янги дастурнинг амалиётга татбиқи.
4. Таълимда рейтинг тизими.
5. Тасвирий ва амалий санъат таълимида янги педагогик технология.
6. Миллий маънавиятни шакллантиришда тасвирий санъат таълимининг аҳамияти.

ИНФОРМАТИКА

Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари курсининг асосий мақсадларидан бири ўсиб келаётган ёш авлодда маънавий ва маърифий билимларни замонавий техника воситалари асосида эгаллашни ташкил этишдир. Шунингдек, ўқувчиларда замонавий ахборот воситаларидан фойдаланиб илмий ахборотларни ола билишни шакллантириш , фан асосларини чуқур эгаллаш , ўқитиш жараёнини ўқувчиларнинг ижтимоий-фойдали меҳнатлари билан бирга олиб боришга қаратилганлигидир.

Шўъба йиғилишида:

-Рейтинг ва синов дастури юзасидан тажриба-синов майдонларида олиб борилган ишларнинг якуни;

-илғор педагогик технология асосида дарс самарадорлигини оширишга эришаётган ўқитувчилар тажрибаси;

—дарсларни ташкил этишда ахборот технологиясидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

— ИҲТА фанини ўқитишда, дастур, дарслик, масала ва машқлар тўпламларидан, ўқув педагогик дастур воситаларидан ҳамда плакатлар мажмуасидан фойдаланиш;

— ИҲТА фанини турли хил йўналишли мактабларда ўқитишда асосий дастур биринчи ўринда туришининг назоратга олиниши;

— мактаблардаги ўқув ЭҲМларининг техник ҳолати ва таъмирлаш ташкилотлари билан тузилган шартномаларнинг амалда бажарилишини назоратга олиш;

— олимпиада якунлари бўйича таҳлил;

— Самарқанд шаҳрида ўтказилиб келинаётган (Ўқув педагогик дастур, методик адабиётлар) кўрик-танловида вилоят вакиллари иштирокининг натижалари;

— "Ёш информатиклар" ёзги мактаб иштирокчиларининг ўқув фаолияти ва мактабларда давом этиш аҳволи;

— Информатика фанини ўқитишда ўқув педагогик дастурлардан фойдаланиш ва уларнинг таъминланиши;

— мактаб предметларини ҳисоблаш техникаси кабинети негизида ўқитишга ўтишда методик ёрдам бериш;

— кўргазмали қуроллардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда видеотехника воситаларидан фойдаланиш;

— синфдан ташқари машғулотларнинг самараси ва турли йўналишларга хос тўгаракларни ташкил этиш;

— компьютерсиз мактабларни компьютер билан таъминланган мактабларга бириктириб ўқув жараёнини ташкил этиш каби долзарб масалалар таҳлилига эътибор қаратилади.

Шўъба йиғилишида ўтган ўқув йилидаги йўриқномадан фойдаланилади.

Турли хил типдаги мактабларда ИҲТА фанини режалаштиришга алоҳида тўхталиб ўтиш керак, чунки айрим мактабларда аниқ фанлар чуқурроқ ўзлаштирилса, айримларида табиий фанлар, айримларида тилга кўпроқ эътибор берилган. Бундай мактабларда ҳамма фандан бир хил билимни талаб қилиш ўринли эмас, лекин асосий дастур ва ДТС томонидан қўйилган талаб бажарилиши шарт.

ЭҲМ йўқ мактабларда ИҲТА фанини режалаштиришга алоҳида тўхталиб ўтиш керак.

Жорий ўқув йилида 8-11-синфлар учун 1999 йилда тавсия этилган амалдаги дастурдан фойдаланиш тавсия этилади.

Дарс жадваллари, синф журналлари ва барча ҳужжатларда фаннинг номи ЭҲМ эмас, балки, "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари" ёки ИҲТА деб ёзилиши лозим.

2000-2001 ўқув йили учун қуйидаги методик адабиётлар ва педагогик дастур воситаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

1. 8-синф. "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари". Дарслик. (Т. "Ўқитувчи". 1994 й).
2. 9-синф. "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари".

Дарслик. (А.Абдуқодиров, А. Азларов, Б. Болтаев, А. Далиев, М. Зиёхўжаев, О. Бобожонов, "Ўқитувчи" 1995 й).

3. 8-11-синф. "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари". Дастурлар тўплами, 1996 й.
4. 10-синф. "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари" Қўлланма. А. Абдуқодиров, 1997 й.
5. 11-синф. "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари". Қўлланма. А. Далиев, Б. Болтаев, М. Маҳкамов, 1999 й.
6. 8—9-синф. "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари". Машқлар тўплами. Б. Болтаев, М. Маҳкамов. 1995 й.
7. 8—9-синф. "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари". Масала ва машқлар тўплами. А. Абдуқодиров ва б. 1996 й.
8. "Агат" компьютеридан фойдаланувчилар учун қўлланма. "Истиқбол" уюшмаси. 1995 й.
9. Т. Нурмуҳамедов. IBM MS-DOS: фойдаланувчилар учун қўлланма. Т. "Шуҳла", 1994 й.
10. Тест ускунавий дастури "Супер тест". Правец-8, IBM компьютерлари учун.
11. Д. Курбонбоев "Қуёнча". Правец-8 компьютери учун 8-синф дарслигига дастурий таъминот.
12. М. Синельников "Саноқ системалари". Правец-8 компьютери учун 8-синф дарслигига дастурий таъминот.
13. М. Синельников "Клавиатура тренажери". Правец-8 компьютери учун 8-синф дарслигига дастурий таъминот.
14. "Корвет" компьютерлари учун тест тузувчи дастур. "Истиқбол" уюшмаси. 1994 й.
15. IBM типидаги компьютерлар учун "S TEST" — тест тузувчи ускунавий дастур. РТМ.
16. А. Далиев, Б. Болтаев "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари" — 9-синф. Қўлланма. 1994 й.
17. "Общая информатика" учебное пособие для средней школы. С. Симонович и др. Москва. 1998.
18. "Практическая информатика" учебное пособие. С. Симонович и др. Москва. 1998.
19. "Специальная информатика" учебное пособие. С. Симонович и др. Москва. 1998.
20. 8-синф. ИҲТА. Плакатлар тўплами. Б. Болтаев, М. Маҳкамов, М. Аманов. 2000 й.

ЯККА-АРЧА ОҚШОМЛАРИ

Қамаши тумани "Лангар" жамоа хўжалигининг тоғли Якка- арча қишлоғида болалар оромгоҳи жойлашган. Бу оромгоҳ икки йил ишламади. Бу йил «Соғ-лом авлод йили» муносабати билан бу оромгоҳ яна иш бошлади.

— 3-босқичда 400 нафар қамашилик ёшлар оромгоҳимизда ҳордиқ чиқаришаяпти. Олдинги икки босқичда ҳам 805 нафар ўқувчи дам олди, — дейди оромгоҳ бошлиғи, тажрибали педагог Хайрулла Абдулазизов. — Насиб бўлса, тўртинчи босқичда ҳам яна 400 нафар ўқувчи дам олиши режалаштирилган. Январь ойидан иш бошлаган бўлсак, оромгоҳ очилгунга қадар жуда катта таъмирлаш ва тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

Оромгоҳни айланамиз. Чўмилиш ҳавзалари, спорт майдончалари, ҳордиқ чиқариш ва мустақил ўқиш хоналари, кутубхона, тиббиёт хонаси, болалар ва ўсмирлар хонаси, маънавият ва маърифат хонаси, оромгоҳ радио станцияси, ота-оналар хонаси, дам олувчи гуруҳлар хоналари, ошхона ва овқатланиш хоналари, "видео бурчак", борингки ҳаммаҳаммаси саранжом ва саришта, давр талаблари асосида безатилган ҳам...

Оромгоҳ ҳудудини айтмайсизми? Гир атроф қалин, ямяшил дарахт. Ўрик, олхўри, олмаю нок ғарқ пишган. Меваларидан яхна ичимликлару шарбатлар тайёрланиб, дам олувчиларга тортиқ қилинаяпти. Егулик-ичгуликда танқислик йўқ. Ҳар куни у ёки бу мавзуга оид мушоира, мусобақа, баҳс. Оромгоҳ қошида ташкил этилган "Тоғ шалоласи" бадиий дастаси ҳар кун хизматда ҳозиру нозир. Хуллас, дам олувчиларнинг зерикишга вақтлари йўқ.

Абдували ОБИДДИН,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

...Юракни ишқ ўти чулғаб олса гар,
Ой ҳам гўзал бўлиб тўларкан нурга,

Оила ва мактаб маънавият ва маърифатнинг икки қанотидир. Инсониятнинг буюк бойлиги ҳисобланмиш маънавият ва маърифат учун оила ва мактаб ўзига хос бўлоқлар ҳам ҳисобланади.

ҲУМО ҚУШИ ЁР БИЛСАНГ

Соғинаман сизни-ё,
Кулиб турган қизни-ё,
Тўлин ойдай юзни-ё,
Боғларимга гул бўлсанг.
Оқаётган сой яхши,
Хасис эмас бой яхши,
Куёв бола пойига
Палакдаги гул нақши.
Қизлар қўшиқ айтсин ёр,
Гўшангага қайтсин ёр,
Чимилдиқни ёзсин ёр
Таъзим-ла салом берсанг.

Алла айтсин келинчак,
Тебратақол беланчак,
Ўрикка сол ҳалинчак
Вафоли бир ёр бўлсанг.
Сойга оқибди олма,
Юрагимга қўл солма.
Ёрим, ғафлатда қолма,
Севги бир китоб билсанг.

Бахт қўнибди бошингга,
Бу ўн саккиз ёшингда,
Бошда тиллақошингга
Хумо қуши ёр билсанг.

Акрам СУЮНОВ,
Ургут туманидаги
118-мактаб ўқитувчиси

Ko'ngil bitiklari

МАНЗАРА

Мен чиқдим далага, атрофга боқдим,
Борлиққа ёпганди тун пардасини.
Келган товушларга мен қулоқ солдим,
Кузатдим мен туннинг манзарасини.

Кўкда тайёралар учиб юрарди,
Эсиб турар эди оҳиста шамол.
Юлдузлар фалакдан боқиб турарди,
Шуъла таратарди самода ҳилол.

Тебранар эдилар сойда тераклар,
Кимгадир шивирлаб гўё барглари.
Ўзича қуришар дилкаш суҳбатлар,
Бир-бирига айтиб гўё дардларин.

Сувлар ариқлардан тошмоқчи бўлар,
Ариқлар йўл бермас уларга ҳеч ҳам.
Ариқнинг лабига қаттиқ урилар,
Ҳатто чиқиб кетмас ундан томчи ҳам.

Нурали ШОДИЕВ

СОДДА БОЛАЛИК

Анча йил илгари бола пайтимда
Тунлар кўкка боқиб санардим юлдуз.
Оппоқ тўлин ойга кўзимни тикиб,
Кутардим мен ундан аллақандай сўз.
Ўйлардим, ойнинг ҳам албат тили бор,
У ҳам инсон каби сўзлай олади.
Термула-термула эшитмай бир сас,
Ёстиққа бош қўйиб ухлаб қолардим.
Яна тун ой чиққач бир тўп болалар
Осмонга термулиб айтардик қўшиқ:
"Оймомо, моможон кулчангдан ташла",
Лек бизнинг оймомо этмас эди миқ.
Қиёс этар эдик биз оймомони
Мункиллаб қолган бир қари кампирга.
Ҳаммамиз гал бермай бақириб дердик:
"Моможон кулчангдан ташлагин ерга"

Мана энди ўтди завқли болалик,
Шўхликлар "хуш қол" деб кузатди бизни.
Кунлар, йиллар ўтди бир кун юракдан
Севиб қолдим мен ҳам гўзал бир қизни.
Сокин тун, гулзорда иккимиз ёлғиз,
Тўлин ой нурларин сочмоқда сим-сим.
Бир ойга, бир қизга термуламан мен
Ҳайҳот, ойдек гўзал эди севгилим.
Энди қиёс этдим ойни ёримга,
Иккиси ҳам гўзал эди беқиёс.
Хумор боқишликда, нозда, ҳуснда
Ёрим ойга тенгдур, ой ёримга мос.
Эҳ содда болалик, содда болалик,
Ойни ўхшатибман қари кампирга.
Юракни ишқ ўти чулғаб олса гар,
Ой ҳам гўзал бўлиб тўларкан нурга,

Зафаржон БЕҲБУДОВ,
талаба

ЮЛДУЗЛАР

Эй, осмоннинг кўзмунчоқлари,
Бир-биридан митти, ажойиб.
Беркинмачоқ ўйнаган каби
Гоҳ кўриниб, гоҳ бўлар ғойиб.
Бирпас қўйинг ҳазилингизни,
Шўхлигингиз мени этар ром.
Сизни муштоқ бўлиб кутаман
Уфқ қизариб, тушганда оқшом.
Бирор сирни англатасизми
Гоҳ жимирлаб, гоҳ эркин порлаб?
Шу сирларни билмоқ истайман
Мен сизларни суҳбатга чорлаб.

Матлуба МУСАЕВА,
ЎзДЖТУ қошидаги академик лицей ўқувчиси

Xullas...

ТЎЙГАЧА ТУЗАЛСИН-ДА

Уйланиш тараддудида юрган челябинсклик куёвтўра никоҳ узуги олиш учун заргарлик дўконига келди. Тилла буюмга аслида-ку эркаклар унчалик ўч эмас, лекин никоҳ масаласида узук бўлмаса бўлмас...

Яқин кунлардаги тантанадан юраги энтикиб кетаётган куёвтўра узуклардан бирини бармоғига солди. Узук унинг бармоғига мос келмаса-да, бир амаллаб киргизди.

Бутун томоша шундан кейин бошланди. Узукни бармоғидан чиқаришга ҳарчанд уринган куёвнинг ҳаракатлари бесамар кетди. Сотувчилар ҳам ҳайрон, энди нима қилиш керак? "Яхшиси пулини тўлаб кетаверинг!" дейишди улар. Аммо узук никоҳ маросимида олқишлар остида тақилиши керак-да.

Алами бўғзига тиқилган йигит узукни шу қадар жаҳд билан тортдики, оқибатда бармоғи қаттиқ шикастланди, очиқроғи суяги синди. Дўкон хизматчилари шаҳар қутқарув хизматига қўнғироқ қилишди ва улар йигитни касалхонага олиб кетишди.

Куёвтўранинг бармоғи тўйгача тузалиб кетса бўлгани.

САБАБЛИ ҚАРОР

Японияда нафақа ёши 60-65 ёшдан 70 ёшгача узайтирилди. Бу эркак ва аёлларга бирдек тааллуқли, деб изоҳлайди Япония премьер вазири Иосиро Мори.

Хўш, давлат раҳбарларининг бундай қарор қабул қилишига сабаб нима экан?

Бунга сабаб, японларнинг узоқ умр кўришлари ва аҳоли ўртасида туғилишнинг ниҳоят даражада кам қайд қилинаётганидир. Амалиётга жорий этилаётган ҳукумат қарорини қариялар қандай қабул қилишар экан?

"ИШБИЛАРМОНЛИК"НИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Бола-чақа боқиш ташвиши ҳаммада ҳам бор. Биров бозорда, биров идорада, биров... кўлда.

Ажабланманг, йўлини топганлар кўлда ҳам пул ишлаб топишар экан. Емельянов туманидаги "ишбилармон" йигитлар чўмилиш ҳавзасига эл-тувчи йўлни шлагбаум билан тўсиб қўйишди. Ким кўп, чўмилишга, балиқ овига ўтаётганлар кўп. "Қоровуллар" ҳар бир йўловчидан 10 рубл талаб қилишар, бундай тартиб туман ҳокими томонидан жорий этилганини исботлаш учун аллақандай сохта ҳужжатни ҳам кўрсатишарди.

10 рублга оғринмаганлар индамайгина фирибгарларга пул узатишар, малол келганлар эса орқага қайтишарди.

Ким билади дейсиз, йигитлар қанча пул ишлашди экан? Лекин вақти келадики, кўза кунида синиб, товламачилар керакли жойда ҳисобот берадилар.

ana shunaqa gaplar...

Sport

ГОЛИБЛАР АНДИЖОНГА БОРАДИ

Сурхондарё мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти автомобиль мактаблари курсантлари ўртасида кўпкураш бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди.

Умумий натижаларга кўра Термиз автомактаби биринчи, Денов автомактаби курсантлари эса иккинчи ўринни эгаллади. Шахсий биринчиликни эгаллаган курсант-спортчилар Андижонда ўтадиган республика биринчилигида қатнашади.

15 ЁШЛИ ЧЕМПИОН

Шу йил май ойида Оқдарёда А.Тоштемиров хотира совғини учун ўтказилган кураш мусобақаларининг совриндори бўлган И.Хўжамқулов ўз иқтидоридан кўпчиликни "огоҳ" этган эди. Яқинда республика олимпия ўринбосарлари тайёрлаш спорт мактаби талабаси Иззатилла 42 килограмм вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номни қўлга киритди.

ДАРОМАД 30% ГА ОШАДИ

Миллий хоккей лигаси иштирокчиси, "Колорадо Эвеланш" клуби аъзоси, латвиялик Сандис Озолиньш МХЛнинг яна бир етакчи жамоаси — "Каролина" билан беш йиллик шартнома имзолади.

Маълум бўлишича, 27 ёшли истеъдодли хоккейчи ўтган мавсумларда, ҳар йили 4 миллион доллар даромад қилган. Озолиньш шахсий вакилининг айтишича, хоккейчининг навбатдаги йиллик даромади беш ярим миллион атрофида бўлади.

РЕКОРД ЯНГИЛАНДИ

АҚШнинг Федерал-Вэй шаҳрида бўлиб ўтган мусобақада голландиялик Инге де Брюсен 100 метрга баттерфляй усулда (хотин-қизлар ўртасида) сузиш бўйича жаҳон рекордини янгилади. У 100 метрни 56,64 секундда сузиб ўтди. Энг қизиғи, аввалги рекорд (56,69) ҳам Инге де Брюинга тегишли эди.

ЭЪТИҚОДНИНГ БИР КЎРИНИШИ

"Радикал" газетасининг маълум қилишича, "Галатасарой"нинг собиқ мураббийи, айни кунда эса "Фиорентина" бош мураббийи Фотиҳ Теримга "Фиорентина" фанатлари шу қадар ишонишмоқда ва умид боғлашмоқдаки, барди-ю жамоа янги мавсумда Италия чемпионлигига эришса, кўплаб мухлислар ислом динини қабул қилишини маълум қилди. Чунки, улар ишонаётган Фотиҳ Терим айнан ислом дини вакилидир.

maydonchasi

Болалигимдан шеърга ошуфталигим кучли эди. Нуқул ўзимга ўзим шеър айтиб юрардим.

Мактабга бордим, 2-синфда ўқиётганимда синфимизда «Ҳотира куни»га атаб йиғин бўлди. Ўша йиғинда мен А. Ориповнинг "Қонли кўйлак" шеърини айтдим. Ўшандан сўнг менга шоирларга қаралгандек, дам истеҳзоли, дам самимиятли қарашлар бошланди.

Адабиётга, шеърга бўлган меҳримни пайқаган ўқитувчим Ҳамидулла Ҳамроев менга энди ҳар бир йиғинларда шеър ўқиттирар, қўлларимдан етаклаб мушоираларга, таҳририятларга олиб борарди. Адабиётга бўлган меҳр, одамиятга бўлган меҳрингизни тарбия этиб борар экан, шеърга бўлган муҳаббат ҳаётга бўлган муҳаббатингизни юксалтирар экан.

Устозим Ҳ. Ҳамроев менинг қалбимга, туйғуларимга ана шу сабоқларни уқтирдилар. Мен мактабни битириб, олий даргоҳда илм олдим. Ҳар гал синфхоналарга кираётиб, қалбим муаллимини, унинг ҳикматли сўзларини ва алланечук улуғвор чеҳрасини ёдга оламан. Устозим ҳар гал "Ҳақиқат учун яшасанг, ҳорлик кўрмайсан" деб айтардилар. У киши одам бахтини ҳам, саодатини ҳам, умр мазмунини ҳам илмда деб биладилар. Мен устозимнинг ҳикматларидан биттасинигина англагандек бўлдим, холос. "Жами ҳикмат илмдадир". Агар у инсоннинг айтган ҳар бир ҳикматини англаганимда эди, менинг қалбим, умрим умрбод завол кўрмасди, деб ўйлайман.

Яқинда, илк китобим нашр этилган кунларда, устозимни йўқлаб бордим. Алланечук нуроний ва вазмин чеҳра, оппоқ оҳорли кийим-бош. Ҳаж зиёратидан қайтган эканлар. Нурланиб, қандайдир мумтозланиб, ҳалосланиб қайтибдилар. Худонинг қудратини қарангки, ҳақиқат деб яшаган одамларни нурларидан бебаҳра этмас экан.

ҚАЛБИМ МУАЛЛИМИ

Зиёрат таомилича елкаларига қўл қўйдим. Бўғзимга йиғига ўхшаш ҳасрат тиқилиб келди.

Устозимнинг ўзлари мени қатъиятга, кўз ёшни дўсту ғаним олдида тўкмасликка ўргатгандилар. Ўшал сабоқлари ҳосиласи бўлиб мен бўғзимга тиқилган ҳасратни ичимга ютдим. Шогирдлари устозлар олдида ҳам йиғламоғи жоиз эмасдек туюлди. Устозлик мақомида оталикдан юксакроқ ва пойдорроқ бир хислат бор. У ҳам бўлса англатмак, уйғотмак хислатидир. Мен устозим Ҳамидулло ҳожи бобони кўрибоқ ўзимда ҳаёт ҳақиқатларини англаш туйғусини уйғона олмак қатъиятини туяман.

Халқ бу инсонни яхши кўради, Каттақўрғоннинг зиёли давраларида у инсоннинг салмоқли довруғи бор. Хаёлимда устозимни миллатнинг маърифатпарвар шахсларига менгзайман. Негаки, ул инсонда табиатан масъулликка доирлик, улуғвор қалб, кучли қувваи ҳофиза, халқнинг ғамига қайғудошлик каби хислатлар мужассам.

Мен устозимни йўқлаб борганимда узоқ суҳбатлашдим, қайтар вақтимда, менга самимий овозда: "Ҳар гал намозимда, фарзандларим қатори сенинг камолингни ҳам сўрайман, шогирд ҳар доим устозга қадрли бўлади, сени дуо қиламан" дедилар. Кўнглимда илиқ туйғулар уйғонди, меҳрларим уйғонди, яшашга муҳаббатим ортди. Устознинг дуоси одамни шундоқ яшаттирар экан, яшнатар экан.

Шу кунларда ўзим билан бўлиб устозимни йўқлолмаяпман. Ҳаёт оёқ-қўлларингизни сиз истаган томонларга эмас, ўзи истаган томонларга олиб кетаверар экан. Имконларингизни беимкон этар экан-да.

Устозимни бориб кўргим келади, хаста деб эшитдим. Худодан шифо сўрайман ҳар тонг. Азиз инсонларни Оллоҳ ўзи дарддан фориғ этади. Мен бунга ишонаман.

Гулжамол АСҚАРОВА

ОИЛА МАЪРИФАТИ

Оила ва мактаб маънавият ва маърифатнинг икки қанотидир. Инсониятнинг буюк бойлиги ҳисобланмиш маънавият ва маърифат учун оила ва мактаб ўзига хос бўлоқлар ҳисобланади. Ёзувчи ва журналист Тўлқин Эшбекнинг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан яқинда чоп этилган "Адашган қиз қисмати" китобини ўқигач, шууримдан шундай ўйлар кечди.

"Адашган қиз қисмати" китобидан ўрин олган ҳар бир бадиа, ҳангома ва ҳикоялар замирида ўзига хос маънолар кашф этасиз. Негаки, уларнинг аксарияти оила олами, унинг маънавий дунёси ҳақида.

Асрлар мобайнида шарқона оилаларимизнинг ўзига хос одоби, муомала маданияти, расм-русумлари шаклланиб келган. Оила файзи, маънавияти, гўзаллиги нимада деган саволларга ҳар ким ўзича жавоб бериши мумкин. Тўлқин Эшбек асарларида эса бу мавзунинг ғоят нозик қирралари қаламга олинади.

Тўпламдан ўрин олган "Опангизнинг жуфти ким?" мақоласида гарчи аччиқ туюлса-да, ҳаётий мавзу қаламга олинган: "Ўз оналарини Опа деб тили чиққан ўғил-қизларда заррача гуноҳ йўқ. Гўдаккинага ўзингни ким деб таништирсанг, шундай чақираверади-да... Онасини "опа" дейдиганлар Отасини ким деб чақиришаркин? Ахир Опанинг эри — Почча бўлади-ку?!" Муаллиф ўқувчини ҳар бир қариндошни ўз номи билан аташга чақиради.

"Эрни "ака" дейдими?" сарлавҳали ҳангомада эр-хотинларнинг нозик муомала маданияти қизиқарли ҳикоя қилинган. Чиндан ҳам келинчакнинг ўз ёстиқдошига "ака" деб муомала қилишлари шарқона маданиятимизга, ҳаёт мантиғига қанчалик тўғри келиш-келмаслиги ҳақида муаллиф жиддий ўйлаб кўришга чақиради.

Собиқ шўро тузуми даврида қандайдир кўз илғамас муаммолар миллий оилаларга ғайритабиий равишда тиқиштирилавергани аён бўлиб қолмоқда. Турмушга чиқаётган қизларга эрининг фамилиясига ўтиши "талаб қилиниши" шундай нозик масалалардандир. Эндигина келинлик либосини кийган қиздан никоҳ уйида биринчи сўраладиган савол шу: "Эрингизнинг фамилиясига ўтасизми ё ўз фамилиянгизда қоласизми?" Нақадар ҳаяжонда турган қиз томдан тараша тушгандек саволга қандай жавоб қайтариши мумкин? Йўқ, деса, ёнида турган бўлажак турмуш ўртоғи ранжиб қолишидан истиҳола қилади, "ҳа" деса... "Келиннинг насаби" сарлавҳали мақолада бу ҳақда миллий қадриятларимизни улуғловчи ғоялар илгари сурилган. Албатта, асарда айрим баҳсталаб ўринлар ҳам йўқ эмас. Бундан китобхоннинг ўзи хулоса чиқаради.

Ёзувчи Тўлқин Эшбек ҳангомалари ҳаётийлиги билан ажралиб туради. "Куёвжўра" мақоласида айрим куёвларнинг тўй куниёқ йўл қўядиган айрим хатолари ҳақида сўз юритилади.

Ота-онанинг фарзанд олдидаги энг масъулиятли бурчларидан бири муносиб исм қўйишдир. Ҳар бир ўзбек (нафақат ўзбек, балки барча шарқона исмлар ҳам) ўзига яраша чуқур маънога эга. Маъносиз исм бўлмаса керак. Собиқ шўро тузуми даврида чаласаводларча иш юритилган ва исми шарифларимиз ҳужжатларга қўпол равишда бузиб ёзилаверган. Юртимиз истиқлолга эришганига ва она тилимиз давлат тили мақомига эга эканлигига қарамай, ўша хатоликлар давом этаётгани "Исмлар жилоси" сарлавҳали бадиада асосли равишда изоҳланган.

Истиқлол шарофати билан мактабларда ҳам қўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мактабни тамомлаган йигит-қизларга бериладиган ўрта маълумот тўғрисидаги "Шаҳодатнома" ҳам миллий шакл-шамойилда тайёрлангани ижобий ҳол эканини эътироф этган муаллиф "Шаҳодат"дан номалар" сарлавҳали мақоласида ушбу ҳужжатлардаги айрим "нозик камчилик"лар ҳақида дадил ёзади.

Тўпламдаги бадиий асарлар — ҳажвиялар ва ҳангомалар ҳам ҳаётийлиги билан ўқувчига анча-мунча маънавий озиқ беради. "Адашган қиз қисмати" ҳикоясида олис қишлоқдан ўқишга келиб, мақсадига эриша олмагач, тубанлик йўлига кирган Соҳиба исмли қиз қисмати қаламга олинади. "Сирли мактуб" ҳикоясида эса қалбини чинакам севги оташи алангалатган бир қалб соҳибасининг "нозик дард"лари маҳорат билан тасвирланган.

Гуруч курмаксиз бўлмагани каби "Адашган қиз қисмати" тўплами ҳам адабий-бадиий камчиликлардан холи эмас. Қиёмига етмаган айрим жумлаларни зукко ўқувчилар нозиктаъблик билан илғаб олишлари мумкин. Ўйлаймизки, бу ҳол изланувчан адибнинг миллий истиқлол мафкураси талаблари асосида яратган ажойиб асарлари қадрини пасайтирмайди.

Бугунги кунда китобсеварлар қизиқиш билан мутолаа қилишаётган Тўлқин Эшбекнинг "Адашган қиз қисмати" тўплами ўзига хос оила маърифати учун хизмат қилишига ишонамиз.

Taqriz

Азиза МУХСИЕВА,
Республика "Оила" илмий-амалий маркази аспиранти

СИЗНИ ЗЕРИКТИРМАЙДИ

Вақт янги аср сари етакламоқда. Янги аср кишиси эса ҳар томонлама етук бўлиши лозим. Бу жараёнда матбуотнинг ўрни беқиёсдир. Яқинда нашрдан чиққан "Ёшлик" журналининг 3-сонини ўқиган киши янги асрга ҳар қандай ноқисликларсиз ўтишга интилади. Хусусан, журналнинг дастлабки саҳифаларидан жой олган Дилором Қўзижон қизининг "Навоийнома" рубрикаси остидаги "Жаҳон миқёсига борар йўлларнинг сири" номли мақоласи шундай дейишимизга асос бўлади. "Оддий суҳбатларда бир саволни кўп эшитамиз: "Майли, Навоийни тушундик ҳам дейлик, лекин фазода кемалар ўйнаётган, роботлар, компьютерлар замонида Навоийни ўқиб, панд-насиҳатдан бошқа нима топамиз? Исботлаб берингчи? Қолаверса, тушуниш ҳам қийин. Меросларимиз кўп. Фақат ота мерос экан деб қуруқ ўрганаверсак, замондан орқада қолиб кетамизку, бу ёқда жаҳон миқёсида..." дея сўз бошлайди муаллиф ҳамда ўтмиш ва келажак ҳақида сўз юритади. Ҳаммамизга маълумки, бугунги кунда радио-телевидение, матбуотда миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида кўплаб чиқишлар бўлаяпти. Ушбу мақола муаллифи ҳам бу масалада тўхталар экан, куюнчаклик билан "Шу ўринда бир савол туғилади: бугун кўп айтилаётган баҳслар мавзуи — миллий ғоя, миллий мафкура асосларини нега Навоийдан изламаймиз?" дейди.

Шунингдек, журналдаги "Наср" рубрикаси билан берилган Исмоил Шомуродовнинг "Байроқ" номли қиссаси ўқувчилар қалбидан жой эгаллай олади ва уни адабиётимизнинг янги мулки десак бўлади. Журналнинг ушбу сонида берилган "Ҳамнафас, ҳамқадам бўлиш зарурати" (У.Идиров), "Миллий адабиёт", Равшан ва "Қурбон" (Б.Карим) каби мақолалар эса изланиш, фикрлар, тадқиқот меваси сифатида талқин этилган. Назм бўлимида бир қатор шоир ва ёш ижодкорларнинг илҳом "мева"ларидан намуналар берилган. Яна инглиз адиби Оскар Уайлднинг "Худбин паҳлавон" сарлавҳали ривоятини ўқишингиз мумкин. Шуниси эътиборга лойиқки, ушбу ривоятни пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 9-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Элдор Фозилов инглизчадан ўзбекчага ўгирган.

Хулоса қилиб айттанда, ушбу журнални ўқиган киши зерикмайди, аксинча, маънавий дунёси бойийди. Маънавий мулки бой киши эса ҳеч қачон ҳеч қаерда ҳеч нарсадан енгилмайди.

Jurnalning yangi sonida

Шерали НИШОНОВ

А.С.Макаренко номли 11-ўрта мактаб томонидан Абжалов Шуҳрат Абжамилович номига берилган А № 279818 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ
Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.
Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-717. Тиражи 19.706.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 9.30.